

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



2020 йил

«КЕЛИМПИЛДИ»
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

2020 йил «7»

Рўйхатга олинди № БД-5230100-2-08
2020 йил «7»



ПУЛ ВА БАНКЛАР

ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси:** 100000 – Гуманитар
200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқук
300000 - Ишлаб чиқариш-техник соҳа
- Таълим соҳаси:** 110000 – Педагогика
230000 – Иқтисод
330000 – Компьютер технологиялари ва информатика
- Таълим йўналишлари:** 5230100 – Иқтисодиёт (тармоклар ва соҳалар бўйича)
5230200 – Менежмент (тармоклар ва соҳалар бўйича)
5230400 – Маркетинг (тармоклар ва соҳалар бўйича)
5230600 – Молия
5230700 – Банк иши
5230800 – Соликлар ва соликка тортиш
5230900 – Бухгалтерия хисоби ва аудит (тармоклар ва соҳалар бўйича)
5231100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар
(минтакалар ва фаолият турлари бўйича)
5231200 – Сугурта иши
5231400 – Статистика (тармоклар ва соҳалар бўйича)
5231600 – Мехнат иқтисодиёти ва социологияси
5231700 – Кадрлар менежменти
5231900 – Корпоратив бошқарув
5232000 – Давлат бюджетининг ғазна ижроси
5232300 – Минтакавий иқтисодиёт
5232400 – Иқтисодий хавфсизлик
5232500 – Логистика
5232600 – Бизнес информатика
5330200 – Информатика ва ахборот технологиялари.

Тошкент – 2020

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “14” 08 даги 3-сонли баённомаси билан маъкулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “14” 08 даги 419 -сонли буйруғи билан маъкулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Мамадиев З.Т.

– ТДИУ «Банк иши ва инвестициялар» кафедраси мудири, PhD., доцент;

Норов А.Р.

– ТДИУ «Банк иши ва инвестициялар» кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори;

Тақризчилар:

Абдуллаев У.

– ТМИ, «Банк иши» кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди;

Мусабеков Ж.Х.

– Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шахар филиали “Молия ва кредит” кафедраси доценти.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2020 йил «01» 07 даги «13» -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан жамиятнинг иқтисодий негизи, унинг таркибий қисмлари, умумиқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг амал қилиш қонуниятлари, иқтисодий ўсиш каби масалаларни қамраб олади. Жамиятда мавжуд иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

“Пул ва банклар” фани иқтисодий фанлар туркумига кириб, барча иқтисодий ва ноиқтисодий бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилади. Шу билан бир қаторда “Пул ва банклар” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, иқтисодий таълим йўналишининг 2- ва 3-курсларида ўқитилиши режалаштирилган. Мазкур фан бошқа иқтисодий фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожида аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар учун замин бўлиб хизмат қиласди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларни, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш қўнимасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий қўнималалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, қўнимма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– пул, кредит ва банклар категорияларининг пайдо бўлиши ва уларнинг эволюцияси, Марказий банкларнинг юзага келиш сабаблари, мақсади ва ташкилий тузилиши ва халқаро молия институтлари фаолияти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

– пул, кредит ва банкларнинг шакллари ва турларини, тижорат банкларининг ташкилий тузилиши ва функцияларини ва валюта тизими ҳамда унинг элементларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– пулларга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш ва пул ислоҳотларини амалга ошириш ҳамда валюта муносабатларини барқарорлаштириш **қўнималарига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Пулнинг пайдо бўлиши ва зарурлиги

Пул ва банклар фанининг мақсади, предмети ва вазифалари. Бошқа фанлар

билинг боғлиқлиги. Пул. Иқтисодий тараққиётда пулнинг роли. Пул ва унинг барқарорлиги. Пул ва инфляция. Пул ва кредит. Банклар ва бошқа молия институтлари. Пул, унинг келиб чиқиши ва зарурлиги. Пулнинг моҳияти. Пулнинг ўзига хос хусусиятлари. Пул умумий эквивалент сифатида.

2-мавзу. Пулнинг турлари ва функциялари

Қиймат шакларининг эволюцияси. Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли. Қийматнинг тўлиқ ёки кенгайтирилган шакли. Қийматнинг умумий шакли. Қийматнинг пул шакли. Олтин пул сифатида. Пул шакллари ва турларининг эволюцияси. Тўлақонли ёки ҳаққоний пуллар: уларнинг турлари ва эволюцияси. Кредит пуллари ва уларнинг турлари: векцель, банкнота ва чек. Қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Электрон пуллар. Товар пуллар. Пулнинг функциялари: қиймат ўлчови функцияси; муомала воситаси функцияси; тўлов воситаси функцияси; жамғариш воситаси функцияси; жаҳон пули функцияси. Пулнинг функциялари бўйича Европа ва Америка мактаблари тарафдорлари қарашлари: алмашув воситаси функцияси, хисоб бирлиги функцияси, жамғариш воситаси функцияси.

3-мавзу. Пул назариялари

Пулнинг металлик назариясининг юзага келиш шарт-шароитлари. Пулнинг металлий назариясининг асосчилари ва намоёндалари: У.Стеффорд, Т.Мен, Д.Норс, Ж.Чайлд, А.Монкретен, Ж.Колбер, И.Юсти, Г.Скаруффи, Ф.Галиани. Илк меркантилистлар ва уларнинг назарий қарашлари. Фаол “пул баланси” тушунчаси. Сўнгти меркантилистлар ва уларнинг назарий қарашлари. “Умумий савдо баланси” тушунчаси. XIX ва XX асрларда пулнинг металлий назариясини ривожлантиришга бўлган уринишлар. Пулнинг металлий назариясига нисбатан танқидий қарашлар. Пулнинг номиналлик назариясининг асосчилари ва намоёндалари: Ж.Беркли, Г.Кнапп, Ф.Бендиқцен. Пулнинг номиналлик назариясини XX асрда ривожланиши. Пулнинг миқдорийлик назарияси. Пулнинг айланиш тезлиги ва алмашув тенгламаси. Пулнинг миқдорийлик назариясида пулларга бўлган талаб талқини. Ж.М.Кейнснинг “ликвидлийкни афзал кўриш” назарияси. Пулларга бўлган талаб омиллари: транзакцион омил, эҳтиёткорлик омили, спекулятив омил. Ж.М.Кейнс назариясини ривожлантирилиши. М.Фридменнинг замонавий миқдорийлик назарияси. М.Фридмен ва Ж.М.Кейнс назариялари ўртасидаги фарқлар.

4-мавзу. Пул айланмаси ва унинг таркиби

Пул айланмаси тушунчасининг мазмуни. Тўлов айланмаси ва унинг таркиби. Пулларнинг нақд пулсиз айланмадаги ҳаракат йўналишлари. Нақд пулсиз хисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари. Нақд пулсиз хисоб-

китоб шакллари. Нақд пулсиз хисоб-китобларнинг афзалликлари. Пулларнинг нақд айланмадаги ҳаракат йўналишлари. Пул айланмасининг таркиби: товарсиз пул айланмаси; пулларнинг товарлар билан боғлиқ айланмаси; нақдсиз пул айланмаси; нақд пул айланмаси; бир шаҳар ичидағи айланма; шаҳарлараро айланма. Нақд пул айланмаси тушунчасининг мазмуни. Нақд пул айланмасининг зарурлиги. Нақд пулларни муомалага чиқариш ва муомаладан олиш тартиби.

5-мавзу. Пул массаси ва пул агрегатлари

Пул массаси, унинг моҳияти ва таркиби. Пул массасини миқдорий ўлчаш. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш. Пулнинг айланниш тезлиги. Пул мультипликатори. Монетазация коеффициенти. Пул агрегатлари ва уларнинг таркиби. Федерал резерв тизимининг пул агрегатлари. Европа давлатларида пул агрегатлари. Россия Федерациясида пул агрегатлари. Ўзбекистон Республикасида пул агрегатлари ва уларнинг таркиби.

6-мавзу. Пул тизими: мазмуни, турлари ва элементлари

Пул тизими ва унинг мазмуни. Пул тизими шакллари ва уларнинг эволюцияси: биметаллизм, монометаллизм. Олтинга алмашинмайдиган кредит пуллар тизими. Пул тизими элементлари. Баъзи хорижий давлатлар пул тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси пул тизими барқарорлигини таъминлаш йўллари.

7-мавзу. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг элементлари

Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ривожланиши. Миллий пул тизими элементларининг шаклланиши. Миллий валюта. Миллий валюта сумнинг муомалага киритилиши. Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг субъектлари ва уларнинг вазифалари. Миллий валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар. Пул тизими барқарорлигини таъминлаш йўллари.

8-мавзу. Инфляциянинг моҳияти, шакллари ва сабаблари

Инфляция тушунчасининг мазмуни. Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар. Инфляциянинг турлари: талаб инфляцияси; таклиф инфляцияси; яширин инфляция; судралувчи инфляция; шиддатли инфляция; гиперинфляция; локал инфляция; глобал инфляция. Инфляция манбалари. Инфляция ва ишсизлик. Инфляция ва давлат бюджети. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Инфляциянинг макроиқтисодий ўсиш суръатларига таъсири. Инфляциянинг инвестицион жараёнларга таъсири. Инфляциянинг аҳоли турмуш даражасига таъсири. Инфляцияга қарши курашиш йўллари. Пул массасини ўсиш суратларини назорат қилиш.

9-мавзу. Пул ислоҳотлари

Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитлари. Пул ислоҳотлари турлари ва уларни амалга ошириш усуллари. Деноминация ва уни амалга ошириш тартиби.

Нуллификация ва уни амалга ошириш тартиби. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

10-мавзу. Кредитнинг зарурлиги, функциялари, турлари ва шакллари

Кредитва унинг мазмуни. Кредитнинг зарурлиги. Фондлар айланиши ва кредитнинг зарурлиги. Кредит муносабатлари ва уларнинг турлари. Кредитнинг тамойиллари. Кредитнинг объектлари ва субъектлари. Кредитнинг функциялари. Кредит қонунлари. Кредитнинг турлари. Кредитнинг шакллари. Кредитлашнинг меъёрий-хукукий асослари. Тармоқларни кредитлашнинг хусусиятлари. Иқтисодиётда кредитнинг роли.

11-мавзу. Кредит бўйича фоиз ставкалар ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Кредитнинг тўловлилик тамойили. Фоиз ставкалар ва уларни ўлчаш. Кредитнинг баҳоси тушунчаси. Номинал фоиз ставкаси. Реал фоиз ставкаси. Оддий фоизлар. Мураккаб фоизлар. Кредит бозори ва унинг инструментлари. Пул таклифи. Фишер эффекти. Фоиз ставкалари бўйича назариялар. Кредит фоизига таъсир қилувчи омиллар.

12-мавзу. Банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими

Банк, банкларнинг пайдо бўлиши, мақсади ва вазифалари. Дастрлабки банкларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг операциялари. Италияда банкларнинг валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли юзага келиши. Қадимги Грецияда банк иши. Қадимги Римда банк иши. Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги Европа мамлакатларида XIV-XV асрларда банк иши. XVII-XVIII асрларда Европада банк иши. АҚШ банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Эмиссион банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. АҚШ федерал захира тизимининг ташкил этилиши. Швеция Рикц банкининг ташкил этилиши. Англия Марказий банкининг юзага келиши. Япония Марказий банкининг ташкил этилиши. Европа Марказий банкининг юзага келиши. Тижорат банкларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Банкларнинг функциялари. Банкларнинг операциялари. Банк тизими ва унинг турлари. Кредит тизими ва унинг таркиби. Европа давлатлари, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар банк тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Банкларнинг турлари. Молиявий инновациялар ва банк индустриясини ривожланиши.

13-мавзу. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг таркиби

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва банклар фаолиятининг хукукий асослари. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг таркиби.

14-мавзу. Марказий банк ва унинг функциялари.

Марказий банкининг юридик шахс сифатидаги мақоми ва функциялари. Марказий банкининг ташкилий ва функционал таркиби. Марказий банкининг

бошқарув тизими. АҚШ федерал захира тизимининг бошқарув органлари: бошқарувчилар кенгаши, очик бозордаги операциялар бўйича федерал қўмита. Марказий банкнинг операциялари. Европа Марказий банкининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари. Япония Марказий банкининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақсади, вазифалари, функциялари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операциялари. Марказий банкнинг банкларнинг банки сифатидаги фаолияти.

15-мавзу. Марказий банкнинг мустақиллиги

Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллиги ва уни белгиловчи мезонлар. Марказий банкнинг мустақиллиги ва уни белгиловчи мезонлар. Ўтиш иқтисодиётида марказий банклар. Хорижий давлатларда марказий банкнинг мустақиллитини белгиловчи индекслар. Уларга қиёсий тавсиф. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мустақиллиги.

16-мавзу. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари

Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари ва уларнинг функциялари. Тижорат банкларининг турлари. Улгуржи банклар. Чакана банклар. Аралаш банклар. Универсал тижорат банклари. Инвестицион банклар. Ихтисослашган тижорат банклари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Тижорат банкларининг ташкилий ва функционал тузилиши. Банклар консолидацияси ва умуммиллий банклар.

17-мавзу. Тижорат банкларининг операциялари

Тижорат банкларининг пассив операциялари. Тижорат банкларининг актив операциялари. Тижорат банкларининг актив-пассив операциялари. Тижорат банкларининг воситачилик операциялари. Тижорат банкларининг кредит операциялари ва унинг миллий иқтисодиётга таъсири. Тижорат банкларининг аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш борасидаги фаолияти.

18-мавзу. Нобанк молия-кредит муассасалари

Нобанк молия-кредит муассасаларининг зарурлиги. Нобанк молия-кредит муассасаларининг актив ва пассив операциялари. Кредит уюшмалари. Ломбардлар, ссуда-жамғарма ассоциациялари. Ўзаро жамғарма банклари. Микромолиявий ташкилотлар, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, молия компаниялари. Ўзаро фондлар. Хорижий давлатларда нобанк молия-кредит ташкилотлари фаолиятининг хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида нобанк кредит ташкилотлари улар фаолиятининг хуқуқий-иқтисодий асослари.

19-мавзу. Халқаро пул-кредит муносабатлари ва уларни тартибга солиш

Халқаро молия институтлари ва уларнинг вужудга келиши. Осиё тараққиёт банки, унинг мақсади ва функциялари. Европа тикланиш ва тараққиёт банки,

унинг мақсади ва функциялари. Ислом тараққиёт банки, унинг мақсади ва функциялари. Халқаро валюта фонди, унинг мақсади ва функциялари. Жаҳон банки, унинг мақсади ва функциялари. Осиё инфратузилмаларни инвестициялаш банки, Халқаро молия корпорацияси ва уларнинг мақсади ва функциялари.

19-мавзу. Пулнинг халқаро муносабатлардаги ҳаракати

Пулнинг халқаро муносабатлардаги ҳаракатини юзага келтирувчи омиллар. Эркин ишлатиладиган валюталар. Халқаро резерв валюталар. Қаттиқ валюталар. Юмшоқ валюталар. Халқаро валюта бозори. Валюта курслари. Валюта курсига таъсир қилувчи омиллар. Валюта курси режимлари. Савдо баланси, тўлов баланси ва уларнинг ҳолати.

IV. Амалий машғулотлар бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Пулнинг пайдо бўлиши, зарурлиги ва функциялари
2. Пул назариялари
3. Пул айланмаси ва унинг таркиби
4. Пул массаси ва пул агрегатлари
5. Пул тизими: мазмуни, турлари ва элементлари
6. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг элементлари
7. Инфляция ва унга қарши курашиш йўллари
8. Пул ислоҳотлари
9. Кредитнинг зарурлиги, функциялари, турлари ва шакллари
10. Кредит бўйича фоиз ставкалар ва уларга таъсир қилувчи омиллар
11. Банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими
12. Ўзекистон Республикаси банк тизими ва унинг таркиби
13. Марказий банк ва унинг функциялари
14. Марказий банкнинг мустақиллиги
15. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари
16. Тижорат банкларининг операциялари
17. Нобанк молия-кредит муассасалари
18. Банк инқирозлари
19. Пулнинг халқаро муносабатлардаги ҳаракати
20. Халқаро молия институтлари, уларнинг мақсади ва функциялари

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. групуга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)

Курс иши фан мавзуларига таалкуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли

кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун таҳминий мавзулар:

1. Аҳоли пул жамғармаларининг турлари, уларни банкларга жалб қилиш ва фойдаланиш.
2. Аҳоли фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг роли
3. Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги
4. Банклараро вакиллик муносабатлари: мазмуни, зарурлиги ва ўрнатиш тартиби.
5. Валюта биржаси ва унинг фаолият йўналишлари
6. Давлат кредити ва унинг кредит муносабатларидаги роли
7. Депозитлар ва уларнинг салмоғини кенгайтириш истиқболлари
8. Европа инвестиция банки ва унинг операциялари
9. Жаҳон банки, унинг вазифалари ва функциялари.
10. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари.
11. Трансмиллий банклар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари
12. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда Жаҳон банки гуруҳининг роли.
13. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестициялар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари
14. Тижорат банкларининг тўлов қобилияти ва уни мустаҳкамлаш
15. Ўзбекистон Республикаси банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
16. Япония банк тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари
17. Япония пул тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
18. Молиявий инқирозларнинг кредит муносабатларига таъсири.
19. Тижорат банкларининг ресурс салоҳияти ва уни ошириш йўллари.
20. Замонавий монетаризм ва унинг асосий қоидалари.
21. Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш тартиби.
22. Марказий банкинг валюта сиёсати.
23. Кредитнинг таъминоти ва унинг турлари.
24. Кредитнинг турлари.
25. Кредит тизимининг таркибий тузилиши ва кредит муносабатлари
26. Кредит учун фоиз ва фоиз сиёсати
27. Кичик бизнесни ривожлантиришда кредитларнинг ўрни ва роли.
28. Кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни
29. Инфляцияга қарши кураш сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
30. Инфляцияни баҳолаш усуслари.
31. Марказий банкнинг функциялари.
32. Махсус молия-кредит институтлари, уларнинг функциялари ва роли.
33. МДҲ давлатларининг банк тизими ва унинг хусусиятлари
34. Микрокредит ташкилотлари ва уларни ташкил қилиш асослари
35. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.
36. Молия бозори ва унда тижорат банкларининг ўрни
37. Нақд пул айланиши ва унинг хусусиятлари

38. Нақд пул айланишини ташкил этиш.
39. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш қоидалари.
40. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли.
41. Нобанк кредит институтларининг зарурлиги, мақсади ва вазифалари.
42. Осиё Тараққиёт банки фаолиятининг асосий йўналишлари
43. Осиё тараққиёт банки: юзага келиши, мақсади ва вазифалари.
44. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш йўллари
45. Пул ислоҳотлари ва уни пуомаласини барқарорлаштиришдаги ўрни
46. Пул массасини тартибга солиш усуслари ва воситалари
47. Пул назариялари ва улар бўйича мунозарали қарашлар
48. Пул базаси ва пул мультиплектори.
49. Пул муомаласи ва уни ташкил этиш асослари
50. Пул муомаласи қонунлари ва улардан келиб чиқадиган талаблар.
51. Пул-кредит муносабатларини ривожлантиришда олтиннинг роли.
52. Пуллар таклифи ва уни тартибга солиш усуслари.
53. Режали иқтисодиётда пул тизими ва уни бошқариш механизми
54. Ривожланаётган давлатларнинг банк тизими
55. Синдицияли кредитлар: мазмуни, зарурлиги ва кредитлаш тартиби.
56. Суғурта компаниялари, уларнинг вазифалари ва иқтисодиётдаги роли.
57. Ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда кредитнинг роли.
58. Тижорат банкини ташкил қилиш ва бошқариш тизими.
59. Тижорат банкининг мажбуриятлари ва уларнинг таркиби.
60. Тижорат банкининг ташкилий тузилиши.

VI.Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Иқтисодий тараққиётда пулнинг роли
2. Олтин пул сифатида.
3. Пулнинг моҳияти.
4. Пулнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Пул умумий эквивалент сифатида.
6. Пул шакллари ва турларининг эволюцияси.
7. Пул назариялари
8. Пулнинг металлилик назариясига нисбатан танқидий қарашлар.
9. Пулнинг номиналлик назариясининг юзага келиш шарт-шароитлари ва асосий қоидалари.
10. Пул массаси ва пул агрегатлари
11. Пул тизими: мазмуни, турлари ва элементлари
12. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг элементлари
13. Инфляция ва унга қарши курашиш йўллари
14. Пул ислоҳотлари
15. Кредитнинг зарурлиги, функциялари, турлари ва шакллари

16. Кредит бўйича фоиз ставкалар ва уларга таъсир қилувчи омиллар
17. Банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими
18. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг таркиби
19. Марказий банк ва унинг функциялари
20. Миллий валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар.
21. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари
22. Тижорат банкларининг операциялари
23. Нобанк молия-кредит муассасалари
24. Банк инқирозлари
25. Пулнинг халқаро муносабатлардаги ҳаракати
26. Халқаро молия институтлари, уларнинг мақсади ва функциялари

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш ёки бошқалар тавсия этилади.

VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Laurence M. Ball. Money, Banking, and Financial Markets, Pearson Education Limited. 2016.
2. Frederic S. Mishkin. The economics of money, banking and financial markets. Pearson Education Limited. 2016. 745 pages.
3. Омонов А.А, Қоралиев Т.М. “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: - “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й. – 448 б.
4. Абдуллаева Ш.З. “Пул ва банклар” Ўқув қўлланма. Т.: - “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” 2017 й. – 756 б.

Қўшимча адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Деньги, кредит, банки. Учебник. Болвачев А.И., Богачева М.Ю., ИНФРА-М 2012 г.-591с.
3. Лаврушина О.И. Деньги. Кредит. Банки. Учебник. – М.: КНОРУС. 2013. 448 с.
4. Абрамова М.А. Деньги, кредит, банки. – М.:КНОРУС,2014. – 312 с.

Интернет сайтлари

1. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий веб-сайти;
2. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб сайти;
3. <http://www.norma.uz> – Ахборот – ҳуқуқий портали;
4. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти;
5. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий

веб сайти.

